ЎҚУВЧИЛАРДА МУСТАҚИЛ ФИКРЛАШНИ ШАКЛЛАНТИРИШ УСУЛЛАРИ

Гулчеҳра Ергашова
Тошкент вилояти Чирчиқ шаҳридаги 6-умумий ўрта таълим мактаби

Аннотация

Мақолада умумий ўрта таълим муассасаларида ўқувчилар мустақил ишларни ташкил этиш ва уни илмий-услубий жиҳатдан самарали бошқариш усуллари бўйича фикр-мулоҳазалар билдирилган. Ўқувчиларда мустақил фикрлашни шакллантиришдаги самарали усулларнинг аҳамияти ва муҳим шартлари асослаб ўтилган.

Калит сўзлар: мукаммал, мушоҳада, глобаллашув, тенденция, толерантлик, демократик, инсонпарварлик, индивидуаллик, эркинлик, хислат, жараён, мерос, малака.

METHODS OF FORMATION OF INDEPENDENT THINKING IN STUDENTS

Gulchehra Ergashova
Comprehensive school No. 6 in Chirchik, Tashkent region

ABSTRACT

The article provides feedback on the organization of independent work of students in general secondary education and its scientifically and methodologically effective management. The importance and important conditions of effective methods in the formation of independent thinking in students are substantiated.

Keywords: perfection, observation, globalization, trend, tolerance, democracy, humanity, individuality, freedom, character, process, heritage, qualification.

КИРИШ

Ўқувчилар мустақил ишларини ташкил этиш ва уни илмий-услубий жиҳатдан самарали бошқариш нафақат таълим-тарбия жараёнида, муболағасиз айтиш мумкинки, ёш авлодни миллий мустақиллигимиз инъом этган буюк-неъмат-инсон ҳақ-ҳуқуқларини том маънода ҳимоялашни кафолатлаш ва унинг ўз ҳоҳиш истаги билан онгли касб танлаш ва мустақил Ватанимиз

мустақиллигини мустаҳкамлашда ўз улушини қўшишида ҳам катта яратувчилик аҳамият касб этади.

Маълумки, бугунги кунда юз бераётган воқеалар миқёсининг ўзгариши шароитида ўқув дастурларини ишлаб чиқувчилар, сиёсатчилардан бошлаб, то синфда болалар билан бевосита ишлаётган барча педагогларга қадар болаларни келажакдаги ҳаётлари самарали, таъминланган ва омадли бўлишига яхши тайёрлаш масаласи ҳар қачонгидан ҳам долзарб эканлигига амин бўлмокдалар.

Тарих ўқитишнинг назарий асосларини чуқур эгалламай туриб ўқитишни илмий асосда ташкил қилиш, таълим-тарбия ишларини узвий бирлигига эришиш, умуман тарих ўқитишни, мустақил фикрлашни шакллантириш, ўқитиш усулларини доимо такомиллаштириб бориш вазифасини муваффақиятли ҳал қилиб бўлмайди.

АДАБИЁТЛАР ТАҲЛИЛИ ВА МЕТОДОЛОГИЯСИ

Ўқувчиларнинг мустақил фикрлашини такомиллаштириш бўйича мамлакатимизда Т.Тошпўлатов, Я.Ғаффоров, Қ.Шоназаров, Ш.Мардонов, Ж.Ўсаров, С.Матчонов, З.Нишонова, У.Ходжамқулов каби олимларнинг илмий-педагогик фаолиятларида кўплаб услубий таъминотлар келтирилган.

Республикамизда чоп этилаётган педагогик даврий нашрлар (“Халқ таълими”, “Узлуксиз таълим”, “Педагогик таълим”, “Мактаб ва ҳаёт” журналлари, “Маърифат” газетаси ва б.)да мустақил фикрлаш ва ўкувчиларнинг мустақил фикрлашини шакллантириш масаласига кенг эътибор қаратилмокда. Масалан, З.Нишонованинг “Мустақил фикрлаш ижодиёт сари куйилган қадам” мақоласида мустақил фикрлаш ижодий қобилиятни ривожлантириш воситаси сифатида таҳлил этилади. Муаллиф ўқувчиларда ижодий тафаккурни шакллантириш учун уларда дивергент тафаккурни ривожлантириш керак, яъни уларни битта муаммони турли йўллар билан ечишга ўргатиш лозимлигини таъкидлаб ўтади. Мустақил фикрлашнинг бу усули ўқувчиларда креативликни шакллантиришга ёрдам беради. Мустақил ижодий фикрлашни ривожлантириш учун ишлаб чиққан машғулотларидан мисоллар келтиради. Бироқ мақоладаги асосий ўзак тушунчалар - “мустақил фикрлаш”, “ижодий фикрлаш” ёки муаллифнинг нуқтаи назари бўйича “мустақил ижодий фикрлаш”га аниқ таъриф берилмайди. М.Зайнитдинованинг “Ўқувчиларнинг мустақил фикрлаш фаолиятларини ривожлантириш омиллари” мақоласида эса, бошланғич синф ўқувчиларида мустақил фикрлашни шакллантиришни уч босқичда амалга ошириш зарурлиги кўрсатиб берилган.

Биринчи боскичда таълимнинг биринчи кунларидан бошлаб ўқувчиларни мустақил харакат килишга, доскага тўғри ва хаттоки, нотўғри бўлса ҳам эркии харакат килишга ўргатилади.

Иккинчи босқичда ўқувчиларда билим, кўникма ва малакаларни шакллантириш жараёнига ўтилади. Бунда ўқувчи унга берилган масалада нима маълум ва номаълум эканлиги хақида фикр юритиши; масалани қисқа баён этиб бера олиши, унинг шартини туза олиши, шартини таҳлил қила билиши хамда масаланинг тўлиқ матнини туза олиш малакасини эгаллаши муҳимдир.

Учинчи босқичда эса, масаланинг шартини ўзгартириш ва уни ечинг топшириғи берилиши мумкин. Ўқувчи илгари ўзлаштирган билим, кўникмалари асосида мустақил, ижодий фикрлаган холда масалани еча олиш кўникмаси малака даражасига ўсиб ўтади.

МУҲОКАМА

Мазкур муаммони узлуксиз давом этаётган ахборотлар гирдоби янада мукаммаллаштирмокда. Бугун ўқувчиларга имкониятларимизга қараб бера оладиган ахборотлар улар бутун таркибининг жуда оз қисмини ва уларнинг бутун ҳаёти давомида керак бўладиган ахборотнинг фақат кичик қисмини ташкил этади. Демократик ва иқтисодий жиҳатдан сермаҳсул ҳаётга ўқувчиларни қандай қилиб яхшироқ тайёрлашимиз мумкинлиги ҳақидаги энг муҳим савол бугунги кун ўқувчиларининг диққат марказида бўлиши зарур. Бошқача қилиб айтганда, ўқувчиларнинг асосий вазифаси қандай қилиб ўқувчиларнинг самарали ўқиш ва мустақил фикрлашга ўрганишни ўзлаштириб олишига эришиш бўлмоғи лозим. Яъни ўқувчилар янги ахборотга дуч келганда, мустақил тафаккур орқали мушоҳада юрита олиш кўникмасини эгаллаши керак. Илмнинг барча соҳаларида ахборотлар селдек оқиб келаётан хозирги даврда улар мазкур ахборотлардан ўзлари учун фойдали бўлган жиҳатларини кўриб чиқиб, ўз тасаввурларига мувофиқ ахборот ва фикрларни мустақил равишда баҳолашни ўрганишлари лозим. Улар янги фикрларни ҳар томонлама кўриб чиқа олишлари, мазкур ахборотларнинг қиммати ва аниқлигига доир хулосалар чиқаришлари, ўз мақсад ва талаблари асосида фикрларнинг умумий қимматини белгилай билишлари лозим.

Ўзбекистон Республикаси биринчи Президенти таъкидлаганидек, “....болалар қайси синфдан бошлаб мустақил фикр юрита бошлайди. Умуман мактабларда болалар мустақил фикр юритишга ўргатиладими? Демократик жамиятда болалар, умуман ҳар бир инсон эркин фикрлайдиган этиб тарбияланади. Агар болалар эркин фикрлашни ўрганмаса, берилган таълим

самараси паст бўлиши муқаррар”. Ўқувчиларнинг мустақил фикрлай олиши катта аҳамиятга эга бўлиб, ўқитувчиларнинг эса асосий вазифалари ўқувчиларда мустақил фикр юритиш кўникмаларини ҳосил қилишдан иборатлигини яхши тушунишса-да, бироқ тажрибада унга риоя қилмасликларини ҳам таъкидлаб ўтади. Бундан шу нарса яққол кўринадики, ҳар бир фаннинг ўзига хосликларидан келиб чиқиб, ўқувчиларнинг мустақил фикрлашини шакллантиришдаги имкониятларини очиб бериш бугунги кун учун жуда муҳим.

Ҳозирги вақтда ахборотларнинг жадаллик билан кенгайиб бориши, “жаҳон таълим тизими доирасида маданиятларни ўзаро айрибошлаш жараёнида ахборотлашган жамиятга ўтилиши” ўқувчиларда мустақил фикрлашни шакллантириш орқалигина турли ахборот хуружларидан самарали ҳимоялана олиш имконини беришини ҳам айтиб ўтиш зарур. Шундай бир вазиятда инсон ўз мустақил фикрига, собит эътикодига, ўзи таяниб яшайдиган ҳаётий-миллий қадриятларига, шаклланган дунёқараш ва мустаҳкам иродага эга бўлмаса, ҳар турли мафкураларнинг босимига, уларнинг гоҳ ошкора, гоҳ пинхона кўринишдаги тазйиқларига бардош бериши амримаҳол.

Тафаккурни мустақиллик талабларига ҳамда хозирги ахборотлар технологияси ҳаётнинг барча соҳаларига шиддат билан кириб келаётган, бутун дунёда глобаллашув тенденциялари кучайиб бораётган давр талабларига мослаштирмасдан туриб, жамиятдаги ижтимоий иқтисодий ҳамда маънавий-маърифий ислоҳотларни юқори суръатларда ва муваффақиятли давом эттириш мушкул. Бундан ташқари, йилдан-йилга кучайиб бораётган рақобат, баъзи давлатларнинг жуғрофий-сиёсий хуружи ва мафкуравий тазйиқлари, ахборотлар хуружи, диний-экстремистик ташвиқотларнинг бугунги ҳолати нафақат миллий мустақилликни, ҳатто, миллий айниятни муҳофаза қилишни долзарб масалага айлантирмоқда. Аҳолининг муайян қисми, айникса, тажрибасиз ёшлар турли сохта шиорлар, чақириқлар, халқимизга ёт, бузғунчи ғоялар таъсирига тушиб қолишнинг олдини олиш учун аввало, уларни мустақил, танқидий, эркин фикрларга ўргатиш, улар тафаккурини ижобий мазмундаги бунёдкорликка йўналтириш лозим. Фақат эркин ва мустақил, танқидий ва ижодий фикрлай оладиган кишилардагина мутаассибликка, турли бузғунчи ғояларга нисбатан мафкуравий иммунитет вужудга келади.

Айнан ўқувчиларнинг мустақил фикрлашини шакллантириш орқали демократик ва инсонпарвар жамият учун асосий қадрият саналган “жамият ҳаётида фаол иштирок этиш”, “ҳамкорлик”, “индивидуаллаштириш”, “онгли интизом”, “толерантлик”, “қадр-қиммат”, “эркинлик” каби тушунчалар ҳаётда ўз

амалий тасдиғини топади. Шу билан бирга, мазкур қадриятларни амалга ошириш орқали ўқувчиларда мустақил фикрлаш кўникмалари шаклланади.

Демократик жамиятни барпо этиш учун унинг ҳар бир аъзоси жамият ҳаётида фаол иштирок этиши лозим. Бу фуқароларнинг жамиятдаги муаммоларни билиши ва ўз ишончларини сақлаб қола олишларини билдиради. Мустақил фикрлай оладиган шахсларгина, демократик жамият ҳаётида фаол иштирок эта оладилар.

Демократик жамиятда ҳамкорликдаги аъзолар орасидаги тенглик қўллаб-қувватланиши зарур. Шахс бошқалар билан ҳамкорлик қилиши учун унинг ўзи мустақил ташаббусни намоён эта олиши, ўз фикрига бошқаларда ишонч ҳосил килдира олиши лозим. Демак, эркин фикрлай олиш самарали ҳамкорликнинг асосидир.

Демократлаштиришда индивидуаллик жамият олдидаги масъулиятлилик билан уйғунлашади. Эркин фаолият кўрсатишга эга бўлиш шахс учун тарихий, ижтимоий ва ахлоқий қадрият бўлиб, унинг индивидуаллигининг намоён бўлиши ва жамият тараққиёти даражасининг мезонидир. Шахс эркинлигини поймол этиш, унинг онги ва хулқ-атворини бир қолипга солишга интилиш, индивидларни жамият, давлатни бошқариш ишларидан амалда четлатиш шахс камолотига салбий тасир кўрсатиш билан бирга тараққиётни ҳам секинлатади, турғун холатга келтиради ва ҳатто таназзулга олиб келади. Шу билан бирга индивидуаллик шахс ўзининг хатти-ҳаракатлари учун жавоб бера олишини таълаб этади.

Индивидуаллик - мустақил фикрлашнинг муҳим шарти. Эркин жамиятда фикр ва қарашлардаги хилма-хилликни тушуниш ҳамда шунга интилишни ривожлантириш зарур. Демократик жамиятда эркин фикрлай оладиган шахслар қадр - қимматга эга бўладилар. Ўз навбатида, улар бошқаларнинг интилиш ва фикрларини қадрлай оладилар. Қадр-қиммат шахснинг ижтимоий ва маънавий эркинлигининг муҳим томони сифатида юзага чиқади.

Эркинлик - мустақил фикрлаш учун кўйилган биринчи қадамдир. Мустақил фикрнинг мавжудлиги ва ривожланиши кўп жиҳатдан ўқувчиларнинг эркинлик даражасига боғлиқ. Мустақил фикрлашни шакллантириш ва ривожлантириш учун ўқувчиларнинг индивидуал ва жамоавий даражада эркинлигига эришиш зарур. Чунки мустақил фикрлаш шахснинг хислати сифатида ҳар қандай фаолият турида индивидуал ва жамоавий ютуқларга эришишда юқори кўрсаткични таъминлайдиган муҳим омиллардан бири бўлиб қолади.

НАТИЖАЛАР

Мустақил фикрлаш жамият инсонга яратиб берган имконият ва эркинликларнинг маҳсули ва иньикосидир . Фикрлаш эса, шахс билиш фаолияти жараёни бўлиб, воқеликни бевосита ва умумлашган ҳолда акс эттириш билан характерланади. Фикрлаш фанлараро тадқиқотларни, комплекс фанларни ўзида мужассамлаштиради.

Фалсафа материя билан боғлиқликда фикрлаш ёрдамида дунёни билишнинг йўллари ва имкониятларини ўрганади. Формал мантиқ фикрлашнинг асосий шакллари (тушунча, хукм, хулоса)га эътибор қаратади.

Фикрлашга оид тадқиқотларнинг ижтимоий жиҳати турли жамиятларнинг ижтимонй тузилиши билан боғликликда фикрлашнинг тарихий ривожланиш жараёнини таҳлил қилиш билан тавсифланади.

Физиология эса, фикрлаш ҳодисасини аниқлаштирувчи ақлий механизмларни ўрганади.

Кибернетика эса, инсоннинг фикрлашига фаолиятда муҳрланадиган ахборот жараёни сифатида қарайди.

Психология фикрлашни билиш фаолияти сифатида ўрганади хамда фойдаланилаётган воситаларнанг характери ва умумлашган даражасига, субъект учун янгилигига боғлиқликда фикрлашнинг турларини дифференциялайди.

Педагогика фикрлашни фалсафий, физиологик, психологик жараён эканлигини эътироф этган ҳолда, уни шакллантиришнинг шакл, метод ва воситаларини ўрганади ва амалиётга татбиқ этади.

Фикрлаш-ақлий фаолият маҳсули. Энг асосийси, фикрлаш-меросий тушунчи, у барча инсонларга хос. Фалсафий, педагогик, психологик адабиётларда фикрлашнинг бир қанча турлари ажратиб кўрсатилади. Ҳар бири ўзининг тадқиқот объектидан келиб чиққан холда қайси бирларини асосий деб қарашга мойилдир. Жумладан, фалсафий, психологик, педагогик луғатларда фикрлашнинг қуйидаги турлари ажратиб кўрсатилади: мантикий, абстракт (мавхум), умумлашган, назарий, техник, репродуктив, ижодий (продуктив), тизимли, категориал, индуктив, дедуктив, алгоритмик, танқидий ва бошкалар. Бироқ хеч бирида “Мустақил фикрлаш нима?” деган саволга жавоб мавжуд эмас ва ҳатто фикрлаш турлари қаторига киритилмайди. Чет эл даврий нашрлари, педагогик ва психологик адабиётларида ҳам мазкур тушунчанинг мукаммал таърифи кўзга ташланмайди.

ХУЛОСА

Замонавий методлар ёки интерфаол усуллар, ўқитишнинг самарасини оширишга ёрдам берувчи технологик тренинглар ўқувчилар талабаларда мантиқий ижодий, танқидий мустақил фикрлашни шакллантиришга ёрдам беради.

Булардан ташқари ҳозирги интеграциялашган шароитда ўқувчи ёшларнинг атроф муҳитга нисбатан мустақил фикрларини шакллантиришда экологик таълим тарбиянинг ҳам аҳамияти каттадир. Чунки экологик таълим-тарбия умумий таълимнинг ўзаро алоқадорлиги, инсонни унинг ўраб турган табиатга нисбатан маъсулияти тўғрисидаги умумий тасаввур ва мустақил фикрлаш асосларини шакллантиришга асослангандир.

REFERENCES

1. Gafforov Ya. X. (2020). Methods for developing a system of teaching history and increasing the effectiveness of history teaching. Индия. EPRA International Journal of Multidisciplinary Research. 2020, 108.
2. Ғаффоров. Я.Х. Мактаб ислоҳати ва ўқитиш методларини такомиллаштириш. Science and education. Sgientific Journal. 2020, 482.
3. Toshtemirova S. A. (2020). Ta'lim sifati va uni demokratlashtirish ilmiy muammo sifatida // Uzluksiz ta'lim. № 1 (86). - S.5
4. Ҳайдаров С. Ўзбекистон тарихи фани дарслари самарадорлигини оширишда тасвирий санъат воситаларининг роли. "Science and Education" Scientific Journal September 2020/Volume 1 Issue 6. Page 174-179.
5. Ҳайдаров С. Педагог-ўқитувчиларда ахборот-коммуникация кўникмасини шакллантириш асослари. "Science and Education" Scientific Journal Oktober 2020 / Volume 1 Issue 7. Page 610-617.
6. Тошев, С. (2020). Ўзбекистоннинг совет мустамлакачилиги даври тарихини ўрганишда турк тилидаги манбаларни ўрни. In Тарихий манбашунослик, тарихнавислик, тарих тадқиқотлари методлари ва методологиясининг долзарб масалалари (pp. 121-127)
7. Тошев, Солежон Аҳматжонович. (2020). ТУРКИЯДА МАРКАЗИЙ ОСИЁ ТАРИХИНИНГ ЎРГАНИЛИШИ. Science and Education, 1(7), 625-631
8. Тошев, Солежон Аҳматжонович.(2020). Ўзбекистон совет мустамлакачилик даври тарихининг Туркияда ўрганилиши. Ўтмишга назар.2(2-махсус сон). 347-353

9. Gafforov Ya.X. (2020). Important aspects of environmental education in the education system. EPRA International Journal. of research & development. India. 2020. 97.
10. Abdurakhmanova, J. N. (2020). The policy of tolerance in Uzbekistan (in the case of Greeks). International Journal on Integrated Education, 2(5), 212.
11. Жуммагул Номозовна Абдурахманова, Саодат Абдурашидовна Тоштемирова.(2020). Инновацион технологиялар ва ахборот маданиятини шакллантириш педагогиканинг долзарб масалаларидан бири. Science and Education.1(7). 436-442
12. JI Suyundikovich. (2020). TARIXNI O'QITISH METODIKASI RIVOJLANISHI TARIXIDAN. Fan va ta'lim, 1 (5), 195.
13. Toshtemirova, S. (2020). Factors Affecting the Quality of Education and the Importance of the Education Cluster to Address Them. European Journal of Research and Reflection in Educational Sciences, 8(4), 151-156.
14. Mardonov, S., Toshtemirova, S., Ahmadjonov, B., & Koshanova, N. (2020). Structure and Mechanisms of Action of the Educational Cluster. International Journal of Psychological Rehabilitation, 24(7), 8104-8111.
15. Н.С. Кенжаева (2019). Научное изучение Памира в 1923-1928 гг. при участии Материалы международной научно-практической конференции "Социально-экономическое и культурное сотрудничество Таджикистана и Узбекистана: история и современность. С. 291-295.
16. Н.С. Кенжаева (2019). Вклад российских ученых в изучение Памира и Припамирья в составе Таджикской комплексной экспедиции 1932 года. Гуманитарное измерение в истории российско-узбекистанских связей. С. 79-86.
17. Toshtemirova, С., Жолдасов, И. (2019). Білімді адамгершілікке баулу идеясының қажеттігі // “Actual problems of society, education, science and technology: status and prospects of development” collection of scientific papers of the ii international scientific-practical conference. Актубе. Р. 17-23.
18. Раимова, А. (2020). Эвакуация центров науки и культуры в Узбекистан в годы Второй мировой войны. Science and Education, 1 (7), 600-609.
19. Ҳ. Жўраев (2019). Бухоро Халқ Совет Республикасида миллий театр ва кино саъати (1920 - 1924йй). ҚарДУ хабарлари. 1-сон, 48-б.